

“Халқпарвар” комиссияси тумандаги кўп қаватли уй-жойлар қурилиши билан танишди



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига асосан уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантиришга доир устувор вазифаларнинг амалга оширилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида ҳар бир шаҳар ва туман Халқ депутатлари Кенгашлари қошида “Халқпарвар” комиссиялари ташкил этилган.

Бугун Термиз туман Халқ депутатлари Кенгashi қошида ташкил этилган “Халқпарвар” комиссияси аъзолари туманнинг “Учқизил” маҳалласи худудида уй-жойга муҳтоҷ ва “Меҳрибонлик уйлари” битирувчилари учун қурилаётган 30 та хонадондан иборат кўп қаватли уй-жой қурилиши билан танишишди.

Ўрганиш давомида комиссия аъзолари қурувчи-пурратчи корхона томонидан олиб борилаётган ишларни кўздан кечириб, ўзларининг таклифларини билдиришди.





